2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

45 (595)

2007 йил 7 ноябрь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ «Ситораи Моҳи Хоса» — табобат маскани

▶ Бешариқлик «Болалар ғамхўри»

3 ▶ Бир қурувчининг юзинчи қурилиши

▶ Нафснинг қули эди, иснод исканжасига тушди

4 ▶ «Сотка» эгасига хизмат қиладими ёки аксинча?..

▶ Муз қатламидан топилган мамонтча

Аббос АТОЕВ: МЕНГА ХАЛҚИМИЗНИНГ ИШОНЧИ КУЧ БАҒИШЛАДИ

АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан 21 ёшли ўзбек йигити Аббос Атоев бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни яна бир карра исботлади.

Жорий йилнинг 23 октябрь — 3 ноябрь кунлари Чикагода ўтган жаҳон чемпионати энг кўп чарм қўлқоп устаси иштирок этган спорт мусобақаларидан бири бўлди. Мусобақаларда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан келган олти юз нафардан зиёд боксчи жаҳон чемпионати медаллари ва келаси йили Пекин шаҳрида бўладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш учун куч синашди.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев онаси билан.

Бокс бўйича расмий жаҳон чемпионатлари 1974 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади. Кубанинг Гавана шаҳрида қирқ беш мамлакатнинг 242 нафар спортчиси иштирок этган илк жаҳон чемпионатида Ўзбекистон вакили Руфат Рисқиев юртимиздан чиққан бокс бўйича биринчи жаҳон чемпиони бўлган эди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида спортга катта эътибор берилаётгани туфайли Руфат Рисқиев издошларининг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Турли спорт мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Артур Григорян, Ўткирбек Ҳайдаровнинг ғалабалари шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янгради.

Мана, яна бир ўзбек йигити жаҳонни лол қолдирди. Чикагодаги жаҳон чемпионатининг финал учрашувида ҳамюртимиз Аббос Атоев Россиянинг кучли боксчиларидан ҳисобланган Артур Бетербиевни оғир жангда 20:17 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медаль ва олимпия йўлланмасини қўлга киритди.

— Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда қатнашаётган ҳар бир спортчимиз ортида ўзини мана шу даражага етказган Ватанимиз, халқимиз турганини, буларнинг барчаси Истиқлолимиз шарофатидан эканини чин дилдан ҳис қилади, — дейди жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Мана шу туйғу биз, спортчиларга ўта мураккаб вазиятлардан дадил чиқиб кетишимизда катта куч-қувват ва ишонч бағишлайди. Чикаго шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатининг финалида ҳам шундай бўлди. Баҳснинг ўртасида рақибим вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Ана шундай мураккаб вазиятда йигирма олти миллионлик халқимиз мени ғойибона қўллаб-қувватлаб тургани, биз, ёшларга ва спортчиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ишончи менга катта куч берди. Ана шу куч-қувват менга ғалаба келтирди, десам янглишмайман.

Давоми 2-саҳифада ⇨

ҚЎШМА ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида энергетика ва табиий ресурслар соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Корея қўшма қўмитасининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакатнинг нефть-газ, энергетика, минерал ресурслар, иқтисодиёт, банк-молия каби соҳаларида фаолият юритувчи қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан, нефть-газ соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда табиий газ ва нефть қазиб олиш, етказиб бериш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Ўзбекистон нафақат МДҲда, балки дунё мамлакатлари орасида ҳам табиий газ қазиб олиш бўйича олдинги ўринлардан бирида туради.

Корея Республикаси делегацияси раҳбари – тижорат, саноат ва табиий ресурслар вазирининг ўринбосари Ким Жонг Гван мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик кўплаб соҳалар қатори энергетика тармоғида ҳам жадал ривожланиб бораётганини қайд этди.

Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи асосида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланган эди.

Мажлисда томонлар ушбу ҳужжатларнинг ижросига, жумладан, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, мамлакатимиз ҳудудида янги нефть ва газ конларини қидириб топиш, ишга тушириш борасидаги ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

(ЎзА)

"ЎЗЭКСПОМАРКАЗ"да ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР

"Ўзэкспомарказ"да 6 ноябрь куни "Кимё, пластмасса, резина – ChemPlastAsia Uzbekistan — 2007" биринчи Марказий Осиё ҳамда "Кончилик ускуналари, маъдан ва минералларни қазиб олиш ҳамда бойитиш — Mining World Uzbekistan — 2007" иккинчи Халқаро Ўзбекистон кўргазмалари очилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ITE Uzbekistan ҳамда "I.T.E. Exhibition & Conferences Ltd" (Буюк Британия) халқаро кўргазма компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н.Мавлонов мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, кимё саноати ҳамда кончилик ва металлургия тармоғи жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан юртимизда қулай сармоявий муҳит яратилгани хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишда муҳим омил бўлаётир.

Кимё саноати, кончилик ва металлургия Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор соҳаларидандир. Бугунги кунда мамлакатимиз кимё саноати тизимида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури юздан ошади. Жумладан, 2006 йили салкам 941 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилди.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Қозоғистон, Украина, Финляндия, Нидерландия каби ўндан зиёд мамлакатдан олтмишга яқин фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этмоқда. Улар орасида "Maxsuspolimer", "O'zkabel", "Atlas Copco Rock Drills" (Ўзбекистон), "Инвент-Пластик", "Rudmash Export" (Россия), "C.Illies & Co", "Lincoln" (Германия), "Листер" (Қозоғистон), "Jansens & Dieperink B.V." (Нидерландия) сингари йирик компаниялар бор.

"ChemPlastAsia Uzbekistan — 2007" ва "Mining World Uzbekistan — 2007" кўргазмалари кимё саноати ҳамда кончилик ва металлургия соҳаларининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Кўргазмада кимё ва нефть кимёси саноати учун хомашё ва турли ускуналар, органик ва ноорганик кимё, органик синтез маҳсулотлари, кимёвий толалар ва иплар, лаборатория ускуналари, лок-бўёқ, маиший кимё воситалари, махсус кийимлар, атроф- муҳитни муҳофаза қилиш қурилмалари, компрессорлар, омбор ускуналари, кончилик технологиялари, юк ортиш-ташиш машиналари, муҳандислик-геодезия ишлари учун асбоблар, бурғилаш техникасига оид бўлимлар ишлаб турибди.

Ушбу кўргазмалар мамлакатимизга хориж сармоясини кенг жалб этиш ва юртимиз кимё саноати, кончилик ва металлургия соҳаларини янада ривожлантиришга, ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишга, соҳадаги талаб ва таклифларни ўрганиш ҳамда товар айирбошлашни кенгайтиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

Тошкент вилояти

Семинар

МАҲАЛЛАНИНГ МАҚОМИ ЮКСАК

Истиқлол йилларида юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, роли, ваколатлари ва таъсирини кучайтириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар ва кафолатлар тизими яратилди.

Ана шундай ислоҳотларни кўзда тутиб қабул қилинган 40 дан зиёд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бугун мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши юртимизда маҳалла тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиб берди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ҳамкорлигида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари" мавзусида ўтказилган семинар-йиғилишда шу хусусда сўз юритилди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова кириш сўзи билан очиб, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзусида маъруза қилди.

Семинар-йиғилишда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир қонунлар, фармон ва қарорлар ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг Тошкент вилояти бўйича ижроси таҳлил этилди.

— Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда республикамиз бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларида 30 минг 84 нафар ходим, яъни маҳалла оқсоқоллари, масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича йиғин маслаҳатчилари ҳамда "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси сардорлари ойлик маош асосида фаолият юритмоқда, — деди йиғилишда маъруза қилган "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев. — Улар қўмагида аҳоли орасида янада кенгроқ кириб бориш, фуқаролар турмуши фаровонлигини юксалтириш имкони туғилади. Бунинг учун эса аввало йиғин ходимларининг малакасини оширишга қаратилган тизим узлуксизлигини таъминлаш зарур бўлади.

Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ж.Чоршанбиев, Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи И.Жасимов, Тошкент давлат юридик институти доценти Ғ.Маликовалар маъруза қилди.

МУХБИРИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда 6 ноябрь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг (ЎзЛиДеП) қурултойи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, мазкур партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ЎзЛиДеП фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг дастурий маърузаси тингланди. Маърузада мамлакатимизни ривожлантириш, демократик жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Сўзга чиққан делегатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берганлигини алоҳида таъкидладилар. Миллий давлатчилик, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти асослари яратилди. Жамиятимиз ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислоҳотлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 23 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа экани алоҳида қайд этилди. Шу муносабат билан ЎзЛиДеП ўзи учун жиддий сиёсий мактаб вазифасини ўтайдиган ушбу сайловда қатнашишни ўзининг ўта муҳим вазифаси, деб билади.

Ушбу партия ўз сафларида қарийб 150 минг кишини бирлаштирган, унинг Олий Мажлис қуйи палатасидаги фракциясида мазкур сиёсий партиядан сайланган 41 нафар депутат фаолият кўрсатади. Бу ЎзЛиДеП иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни демократик янгилашда етакчи куч бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни бирлаштирувчи, уларнинг манфаатларини ифода этувчи жиддий сиёсий кучга айланганидан далолатдир.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислом Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қурултойда, шунингдек, мазкур сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

/ЎзА/

Йил дастури ижроси

Яқинда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида республикамиз миқёсида экологик ҳашар тадбири ўтказилди.

ЭКОЛОГИК ҲАШАР

Мазкур тадбирда 8 млн. нафардан зиёд юртдошимиз иштирок этди. Экологик ҳашар давомида 3,6 минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, 200 минг туп-дан зиёд дарахт таналари оқланди. Ҳашар иштирокчиларининг аксарияти эса ўз иш жойларини, кўча ва маҳаллаларни тартибга келтиришди.

Юртимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда Конституция кунига бағишлаб ташкил қилинган ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ботаника боғида ҳам бўлиб ўтди. "Олтин куз" шиори остида ўтказилган ушбу акцияда Олий Мажлис Сенати аъзолари, депутатлар, жамоат ташкилотлари ва дипломатик корпус вакиллари, шоир ва ёзувчилар, эколог олимлар иштирок этишди.

Шу куни республикамизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш, кўплаб бино ва иншоотларда эса таъмирлаш ишлари амалга оширилди ҳамда очиқ сув ҳавзаларининг санитар-экологик ҳолати яхшиланди.

МУХБИРИМИЗ

Бухоро вилояти

МЕВАЗОРда БИР МУАММО ҲАЛ БЎЛДИ

энди бу қишлоқда тоза ичимлик суви танқис эмас

Когон туманидаги Ўбачўли қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Мевазор қишлоғида ҳудуд аҳлини анчадан бери қийнаб келаётган муаммо — тоза ичимлик суви танқислиги барҳам топди. Мевазор аҳолиси, айниқса, қишлоқдаги етмиш учта хонадон бекалари бу қулайликдан беҳад қувонмоқдалар.

Эл аҳиллиқда тадбир қўлласа, ҳамма муаммонинг ечими топилар экан. Нозимжон Ҳайдаров, Нар Бобоев сингари маҳалла фаоллари елиб-югуриб ҳашар ташкил этишди. Туман "Сувоқава" идораси раҳбари Шамсиддин Ҳасанов уларни қўллаб-қувватлаб, керакли жиҳозлар ва қувурлар билан таъминлади. Мевазорлик мулкдорлар, тадбиркору фермерлар ҳам қараб туришмади. Натижада, жуда қисқа фурсатда хайрли иш амалга ошди. Қувур тармоғидан оқаётган зилол сув маҳалладошларнинг кўнглини равшан торттирди.

— Ҳудудимизда 12 та қишлоқ бўлиб, уларнинг 6 тасини жорий йил охиригача тоза ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Эргашев. — Ҳозиргача 160 та хонадонга қувурлар орқали тоза ичимлик суви етиб борди.

Ҳамроз АЛИ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93

Тел/Факс: — 133-44-25

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Я» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

— Яна нима дейсиз?
— Яна бир боксчимиз жаҳон чемпиони бўлибди.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна бошланди.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Самарқанд вилояти

Йил дастури ижроси — амалда

ЙИҒИНДА ТАЖРИБА МАКТАБИ

Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака номли маҳалла фуқаролар йиғинидан тажриба ўрганиш мақсадида ҳудудга ташриф буюрган маҳалла оқсоқолларининг таъкидлашича, ушбу йиғинда яратилган тажриба мактаби, хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, коммунал тўловлардаги муаммоларни ҳал этиш йўллари, қолаверса, ободонлаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар республикамиз маҳаллалари миқёсида оммалаштиришга арзийди. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Бу ерда ўтказилаётган тўю маросимлар, байрамларнинг файзи ўзгача. Уларнинг ихчам, эсда қоларли ўтиши учун маҳалла фаоллари жон куйдиришади. Ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотганларга ғамхўрлик кўрсатиш эса доимий эътиборда.

Шу йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобидан кам таъминланган ва муҳтож оилаларга 46 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг газ, электр ва ичимлик суви таъминотидаги қарзларини тўлашга ёрдам бериш мақсадида 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Қурилиш ва ободончилик ишларини ташкил этиш, спорт иншоотларини жиҳозлаш учун эса маҳалла ҳисобида ҳамиша маблағ топилади.

— Бизда жамоат ишидан ҳеч ким ўзини четга олмайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Суннат Кубаев. — Кимдир саховати, кимдир жонкуярлиги, яна кимдир ташаббускорлиги билан маҳалладошларга ибрат бўлади. Энг асосийси, фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган ҳолда маҳалла юмушларига кўмаклашишяпти.

Маҳалла аҳлининг матбуот нашрларига обуна бўлиб, газета ва журналларни мунтазам ўқиб бориши ҳам бу ерда маънавий-маърифий ишларнинг йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Жумладан, жорий йилда маҳаллада "Mahalla" газетаси муштарийлари ҳам ўтган йиллардагига нисбатан кўпайди.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Истиқлол берган имкон

Қашқадарё вилояти

МУТАХАССИСЛАР — ТАЖРИБАЛИ, УСКУНАЛАР — ЗАМОНАВИЙ

ана шу омиллар туфайли "Cotton Road" маҳсулотлари сифати ортиб, харидору ҳамкорлари сафи кенгаймоқда

Корхонанинг экспорт ҳажми қисқа вақт ичида 20 фоизга ўсди. Россия, Туркия, Швейцария ва Европанинг бир қатор корхоналаридан тушаётган буюртмалар кўлами сезиларли даражада ортди.

Қарши шаҳридаги ип-газлама маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Cotton Road" Ўзбекистон—АҚШ—Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқариш суръати кундан-кун жадаллашмоқда. Жаҳон бозорига чиқарилаётган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ҳажми тобора ортмоқда.

Шу йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида деярли барча жабҳаларда ривожланиш сезиларли бўлди. Хусусан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми ип-газлама бўйича 1,4 баробар, хом тўқув газламаси бўйича 2,4 баробар, тайёр тўқув газламаси бўйича 2,2 баробар, тикув маҳсулотлари бўйича салкам 2,5 баробар ортди.

Жаҳон бозорида Ўзбекистон пахта толасининг нуфузи жуда баланд. Шундай бўлгач, бу толадан ишлаб чиқарилган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларга ҳам талаб юқори бўлади. Табиийки, дунё бозорида маҳсулотга қўйилаётган талабларга жавоб бериш учун нафақат сифатли хом ашё, балки уни қайта ишлайдиган замонавий технологиялар, шунингдек, юқори малакали мутахассис-ишчилар зарур.

— Бир қанча муддат Португалияда ишлаб, хориж мутахассислари, технологияларини яхши билганим учун аниқ айта оламанки, Ўзбекистоннинг тўқимачилик корхоналаридаги технологиялар ва мутахассислари иш суръати ва маҳсулот сифатини таъминлашда хориждагидан асло қолишмайди. Ҳатто айрим жиҳатлари билан устун ҳам туради, — дейди қўшма корхонанинг ҳиндистонлик мутахассиси Гупта Канакраги.

Корхонанинг асосий ип-йигирув цехида ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб, ёш ишчиларнинг Швейцарияда ишлаб чиқарилган технологик ускуналарни бехато ва чаққонлик билан бошқариб, пахта толасини дунё бозорида ўта харидоргир саналган № 36/1 ва № 40/1 маркали ип калаваларга айлантираётганига гувоҳ бўлдик.

Қўшма корхонага тушаётган буюртмалар сони ва ҳажмининг ортиши, табиийки ишчилар сафининг кенгайиши ҳамда қўшимча ускуналар ўрнатилишини талаб этади. Корхонада жорий йилнинг бошидан ишчилар сони 30 нафарга кўпайган бўлса, янги дастгоҳлар ўрнатилгач, яна 70-80 нафар кишини ишга қабул қилиш зарурати туғилади. Натижада, ишлаб чиқариш ҳажми яна 1,5-1,6 баробар ортади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

11 ноябрь – Тиббиёт ходимлари куни

Бухоро вилояти

"Ситораи Моҳи Хоса" сиҳатгоҳи вилоятдаги нуфузли шифо масканларидан ҳисобланади. Замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган ушбу муассасада 127 нафар табобат ходими меҳнат қилади.

Бу ердаги гломерлонефрит, ошқозон-ичак, таянч тизими, андрология ҳамда буйрақдаги пиелонефрит билан оғриган беморлар даволаниб, ҳордиқ чиқаради.

Шифо масканида бир вақтнинг ўзида 500 нафардан зиёд бемор саломатлигини тиклаши мумкин.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Фарғона вилояти

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий ёрдам сифатини ошириш бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидандир. Бу борада Фарғона вилоятида бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган хайрли ишлар ўз самарасини бераётир.

Бешариқ туманидаги марказий шифохонанинг туғуруқ бўлими ҳамда поликлиникаси ЮНИСЕФнинг "Болалар ғамхўри" сертификатига эга бўлди. Бу ерда мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг "Она сути билан боқишни муҳофаза қилиш ва болага дўстона муносабатда бўлиш" дастури бўйича фаол иш олиб борилаётир. Унга мувофиқ, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари учун махсус ўқув курслари ташкил этилди.

— Туғуруқ бўлими ўтган йили капитал таъмирланиб, энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори ўринбосари Саидаҳмад Йўлдошев. — Оналик ва болаликни асрашда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар муҳим ўрин тутади. Тарғибот ва ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Она сутининг афзалликлари, фойдаси ҳақида ёш оналар билан ўтказилаётган суҳбатлар, мулоқотлар ўз самарасини бермоқда. Оналар ва болалар ўртасида учрайдиган турли касалликлар ҳам камайиб бормоқда.

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида ҳам қатор дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, вилоятда шифокорларнинг малакасини ошириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.

— Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши натижасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг мустаҳкам тизими шаклланди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Шавкатжон Хусанбоев. — Бугунги кунда барча туғуруқ уйлари ҳамда поликлиникаларимиз ЮНИСЕФнинг сертификатини қўлга киритди. Кейинги босқичда эса 293 та қишлоқ врачлик пунктида мазкур йўналишдаги ишлар давом этирилади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Фаолият эътирофи

1999 йил 31 мартда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви қошида "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази ташкил этилган эди. Марказ фаолиятидан кўзда тутилган мақсад — юртимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъул ходимларига ўз фаолиятини йўлга қўйишда, уларнинг ҳуқуқий-маъмурий, ташкилий масалаларга оид кўникма ва билимини оширишда, шунингдек, тизим фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари мазмун-моҳиятини етказиш билан биргаликда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган дастурлар, танловлар ва турли спорт мусобақалари низомлари каби ҳужжатлар билан таъминлашда амалий-услубий ёрдам кўрсатишдан иборат.

"МАҲАЛЛА ЗИЁСИ"дан УСЛУБИЙ КЎМАК

Бу кўмак жойларда фуқаролар йиғинлари ишини янада ривожлантиришда қўл келмоқда

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази ўтган етти йиллик муддат давомида ўз фаолияти йўналишидан келиб чиқиб, кенг қўламдаги ўқув-услубий тадбирларни амалга оширди, фуқаролар йиғинлари ходимларининг яқин кўмакчиси, маслаҳатчисига айланди. Айниқса, маҳалла оқсоқолларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маъмурий жиҳатдан салоҳиятини оширишда, уларнинг ўз фаолияти ҳуқуқий асосларини англаб етишида, энг муҳими, бу билим ва кўникмаларни йиғин ҳаётига, фаолиятига татбиқ этишга эришишлари йўлида марказ томонидан кўрсатилган амалий-услубий ёрдам алоҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, юртимиз бўйлаб фуқаролар йиғинлари раислари ва ходимлари учун махсус ўқув-семинарлари ўтказилиб, ўз фаолиятини намунали йўлга қўйишга эришган йиғинлар фаолияти мисолида кўргазмали тажриба алмашиш тадбирлари мунтазам равишда ташкил қилинмоқда.

Шунингдек, маҳаллаларда янги жорий этилган лавозим — диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси вазифасига тайинланган ходимларга марказ томонидан бу вазифанинг мазмун-моҳиятини англатувчи ва фаолиятини йўлга қўйишда зарур бўлган услубий қўлланмалар тарқатилди. Бундан ташқари, жойларда маҳалла аёлларини жалб этган ҳолда маслаҳатчилар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, умуман, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамоат ишларига жалб этиш мақсадида республикамиз бўйлаб семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бу тадбирлар иштирокчилари тарқатма материаллар ва услубий қўлланмалардан кенг фойдаланадилар.

Ҳозирги кунга қадар "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази томонидан ишлаб чиқилган махсус режа-дастур асосида барча ҳудудлардаги маҳалла маслаҳатчилари босқичма-босқич ўқитилмоқда, уларга турли йўналиш ва мавзудаги тарғибот-ташвиқот, маданий-маърифий тадбирларни юқори савияда ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасида амалий кўмак кўрсатилмоқда. "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманларда фаолият юритаётган бўлим ва бўлинмаларининг бу тадбирларда муносиб улуши бўлиб, хусусан фуқаролар йиғинлари ходимларига етказиб берилаётган турли ўқув қўлланмалари ва адабиётларни чоп этиш, жойларга етказиш ишлари улар томонидан маълум миқдорда молиялаштирилади.

— Юртимизда ўз ишини намунали тарзда йўлга қўя олган, ҳар жиҳатдан ўрнак олишга лойиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимида узоқ муддат ишлаб, катта тажриба орттирган фидойи ходимлар кўп, — дейди "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази раҳбари Рўзи Турсуналиев. — Бундан ташқари, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан ҳар йили тизим ходимлари учун турли йўналишларда кўрик-танловлар ташкил этилади ва ўтказилади. Бу танловлар ғолиблари ҳамда маҳалла тизими фидойиларининг иш тажрибаларини оммалаштириш, тарғиб қилиш йиғинлар ҳаёти ва фаолияти учун фойдадан холи бўлмайди. "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази ўз фаолиятида ана шу вазифаларга алоҳида эътибор қаратади. Энг муҳими, оқсоқол, йиғиннинг ҳар бир ходими тўлақонли фаолият юритиш учун ўзининг зиммасидаги бурч ва вазифалар ҳамда ўзига берилган ваколатларни аниқ билиши лозим. Қолаверса, жамиятдаги янгиланишлар, турли йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аввало ўзи теран англаб, сўнгра маҳалладошларига етказишга масъулиятли кишилар ҳам айнан фуқаролар йиғинлари ходимларидир. Айни кунда айнан шу мавзуга бағишланган яна бир қўлланма — "Ҳуқуқ ва бурч — ютуқлар гарови" нашри 5 минг нусхада чоп этилиб, жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари, кўпгина фуқаролар йиғинларига бепул тарқатилди. Бир сўз билан айтганда, "Маҳалла зиёси" нафақат тизим ходимларининг, балки маҳалладошларимизнинг ҳам ижтимоий-сиёсий фаол, воқеликларни тўғри баҳолай билувчи зиёли фуқаро бўлишлари йўлида кенг қамровли ва аниқ йўналтирилган фаолият кўрсатишни ўзининг асосий мақсади, деб билади. Маҳалла тизимининг жамиятимиз равнақи ва ривожида тутган ўрни, аҳамияти кенгайиб борар экан, бу борада амалга ошириладиган тадбирларимиз салмоғи ва кўлами ҳам ортиб бораверади.

М.ҚОСИМОВА

Мўъжизакорлар юрти

Қорақалпоғистон Республикаси

Янги ЎЗАН ҚЎРИҚ ЕРНИ ЎЗЛАШТИРАДИ

Элликқалъа бундан минг йиллар аввал хоразмийлар давлатининг пойтахти бўлган. Аждодларимиз бу ерларда Тупроққалъа, Аёзқалъа, Гулдурсунқалъа, Қизилқалъа каби икки юздан зиёд қалъа ва қўрғонларни бунёд этишган. Минг афсуски, асов Амударё табиий ўзанини ўзгартиргач, бу тарихий жойларнинг баъзилари сувсизликдан вайрон бўлган, айримлари эса қум барханлари остида қолиб кетган.

Ўтган асрнинг 70-йилларида туманда 25 минг гектардан зиёд қўриқ ер ўзлаштирилиб, 21 та янги аҳоли пункти бунёд этилди, Элликқалъа туманига асос солинди. Ҳудудда сув таъминотини яхшилаш мақсадида Бўзёт, Боғёл ва Қирққиз каналлари реконструкция қилинди, 30 километр узунликдаги янги Элликқалъа канали қазилди. Аммо бу туманнинг сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондиролмас эди. Шу сабабли истиқлол йилларида 35 километр узунликдаги Бўстон каналини барпо этишга киришилди. Каналнинг 27,5 километрлик биринчи навбати битказилиб, ишга туширилган. Энг мураккаб ва узунлиги 7,5 километрга тенг бўлган қисмида эса иш ниҳоясига етай деб қолди. Қазиш ишларини "Бўстонсувқурилиш" масъулияти чекланган бирлашмасига қарашли махсус бригадалар, Беруний тумани ҳамда Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманидаги сув қурилиш ташкилотлари амалга оширди. Айни пайтда канал ўзанини сув оқимига тайёрлаш ишлари олиб бориляпти.

Мазкур сув тармоғи тўла қувват билан ишга туширилгач, туманда яна 10 минг гектар қўриқ ерни ўзлаштириш имкони пайдо бўлади. Шунингдек, Беруний туманидаги кўплаб фермер хўжаликларининг сув таъминоти ҳам яхшиланади.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Аббос АТОЕВ: МЕНГА ХАЛҚИМИЗНИНГ ИШОНЧИ КУЧ БАҒИШЛАДИ

АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан 21 ёшли ўзбек йигити Аббос Атоев бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни яна бир карра исботлади.

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Олим МУҲАМЕДОВ, жаҳон чемпионининг мураббийси:

— Ўз вазн тоифасида жаҳоннинг энг кучли боксчиси сифатида эътироф этилган Аббос Атоевнинг отаси Абдураззоқ ака ўғлини бокс секциясига олиб келганида у ўн ёшли болакай эди. Дастлабки машғулотлардаёқ, унинг жуда тиришқоқ, меҳнатсевар ва дадил бола экани сезилди. Узоқ йиллик машғулотлар натижасида Аббос икки қўлида ҳам бирдай кучли зарба бера оладиган, ҳар қандай рақибга қарши дадил рингга чиқа оладиган, иродали боксчига айланди. Бунда Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлганини таъкидламоқчиман. Спортчиларимизнинг, хусусан, Аббос Атоевнинг халқаро майдонларда кўрсатаётган юқори натижалари ана шу ғамхўрлик самараларидандир.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш ва фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Оммавий спортни ривожлантириш ва аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбияга жалб қилиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар ўз самарасини бермоқда.

Мавжуда АКМАЛОВА, жаҳон чемпионининг онаси:

— Аббоснинг жаҳон чемпиони бўлгани тўғрисидаги хабарни эшитиб, қариндош-уруғларимиз, унинг дўстлари, қўни-қўшниларимиз табриклаш учун уйимизга келишди.

Аббос — оиламизда ёлғиз ўғил — бокс машғулотларига қатнаша бошлаганида аввалига жуда хавотир олдик. Лекин спортнинг бола тарбиясига ижобий таъсир этаётганини кўриб, кўнглимиз жойига тушди. У сермулоҳаза, оғир-босиқ, иродали ва меҳнатсевар йигит бўлиб вояга етди. Ўғлимизнинг жаҳон чемпони бўлгани мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида спортга, ёш авлод тарбиясига берилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси, мустақиллигимиз шарофати деб биламан. Мустақиллик бўлмаганида оддий бир қишлоқ йигити дунёнинг узоқ бир мамлакатига бориб, мусобақаларда қатнашиб, жаҳон чемпиони бўлармиди.

Аббос Атоевнинг жаҳон миқёсидаги бу улкан ғалабаси ўзбекистонлик мухлислар, спорт усталари қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

Руфат РИСҚИЕВ, бокс бўйича жаҳон чемпиони (1974 йил):

— Аббос Атоев рингда ўтказган жангларни кўриб, унинг келажаги порлоқ спортчи эканлигига амин бўлдим. Албатта, жаҳон чемпионатида ғолиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг замирида мураббийлар меҳнати, машаққатли машғулотлар ётибди. Айни пайтда 21 ёшни қаршилаган Аббоснинг боксчи сифатида ҳали очилмаган қирралари кўп ва ундан умидимиз катта. Истеъдодли боксчимизга 2008 йилда ўтажак Олимпиада ўйинларида ҳам омад тилайман.

Жаҳон чемпиони Аббос Атоев 1986 йили Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Кўлхатиб қишлоғида туғилган. У республика миқёсидаги дастлабки ютуғини 15 ёшида қўлга киритди. 2001 ва 2002 йилларда ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилигида кетма-кет икки марта олтин медалга сазовор бўлди. 2003-2004 йилларда эса ёшлар ўртасида мамлакат биринчилигида ғолиб чиқди.

Халқаро миқёсдаги юксак натижалари 2004 йилда қайд этилди. Дастлаб, Жанубий Кореяда ёшлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган боксчи, талабалар ўртасида Туркияда ўтган жаҳон чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлди.

Жорий йилда Мўғулистонда ўтган Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Аббос Атоев қатор халқаро турнирлар ғолиби ҳамдир.

Айни пайтда у Бухоро давлат университетининг жисмоний маданият факультетининг 3-курсида ўқиш билан бирга, вилоятдаги 2-ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида боксдан сабоқ беради.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Спорт

Тошкент вилояти

Қибрай туманидаги шахмат клубида "Камолот" шахмат тахтаси" республика турнирининг вилоят босқичи мусобақалари якунланди. Уни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши Халқ таълими ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этди.

"КАМОЛОТ" ШАХМАТ ТАХТАСИ" ТУРНИРИ

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва оммавий спортни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Мусобақада танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликка эришган 84 нафар ёш шахматчи иштирок этди. Қуйи Чирчиқ туманидаги 41-мактаб ўқувчиси Аристан Тастанов ҳамда Қибрай туманидаги 30-мактаб ўқувчиси Зиёдулла Исматов ўғил болалар ўртасида совриндор бўлди.

Қизлар ўртасида эса Қибрай академик лицейи ўқувчиси Ирода Зоитова ҳамда Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Севара Боймуродова ғолиб деб топилди. Ғолиб ва совриндорлар турнирнинг республика босқичига йўлланма олди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Муносиб тақдирланганлар

Жиззах вилояти

БУНЁДКОР РАИС

«Маҳалла» жамғармасининг Мирзачўл тумани бўлинмаси раиси Умаржон Умиров маҳалла тизимида ўзига хос тажриба мактаби яратган инсонлардан. Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ўрнак бўлаётган бир гуруҳ юртдошларимиз қатори Умар ака ҳам Президентимиз Фармони асосида «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Умар ака кўп йиллар давомида мактабда ёшларга таълим-тарбия берди, туман ижтимоий таъминот бўлимида хизмат қилди. 1994 йилдан буён эса бўлинмага раҳбарлик қилиб келмоқда. Мирзачўлни боғроғларга айлантириш ишларида жонбозлик кўрсатган, чўл шароитида тез вояга етадиган терак кўчатларини, шаҳарни кўкламзорлаштириш учун зарур бўладиган турли-туман гул кўчатларини етказиб бериш ишларига бошчилик қилган Умар ака шаҳар марказидаги Дўстлик боғини яратишда ҳам ташаббус кўрсатган, уни обод ва сўлим гўшага айлантириш йўлида тер тўккан.

У.Умиров оилада ҳам бахтини топган инсонлардан. Турмуш ўртоғи Момохон опа билан олти нафар фарзандни эл-юрт корига камарбаста инсонлар қилиб вояга етказишди. Бугун уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топганидан кўнгли хотиржам.

— Мирзачўлнинг хотин-қизлари қўлигул чевар, уста тўқувчи, — дейди Умар ака. — Шунинг учун ҳам бу ҳудудда касаначиликни йўлга қўйиш, ривожлантириш учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар етарли. Айни пайтда биз бу борада белгиланган режаларни амалга оширяпмиз.

Умаржон Умиров киши қайси касбда ёки қандай лавозимда ишламасин, унинг эшиги ҳам, қалби ҳам инсонлар учун ҳамиша очиқ бўлиши лозим, деган шиорга амал қилиб яшайди, бошқаларни ҳам шунга даъват этади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Сурхондарё вилояти

100 ЮЗИНЧИ ИНШООТ

бойсунлик бунёдкор Зариф Раҳмонов бошчилигидаги қурувчилар томонидан фойдаланишга топширилди

Зариф Раҳмонов ўрта мактабни тугатгач, баъзи тенгдошларига ўхшаб кўча чангитиб юрмади. Аксинча, қурилишда ишлаб, тажриба орттирди. Ёш йигитнинг юрагидаги бунёдкорликка бўлган иштиёқ уни олийгоҳ остонаси сари етаклади. У Самарқанд шаҳридаги Қурилиш ва архитектура институтининг талабаси бўлди.

Ўқишни тугатиб, қўлида диплом билан аввал ўзи ишлаган Бойсун туманидаги 256-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари жамоаси сафига қайтган З.Раҳмонов дастлаб иш юритувчи, бўлинма бошлиғи бўлиб ишлади. Сўнг муҳандисликдан қурувчилар кўчма жамланмасига раҳбарликка лойиқ топилди.

Ушбу қурувчилар жамоаси ўтган йили Бойсун туманида агросаноат касб-ҳунар коллежини қуриб ишга туширган эди. Жорий йилда ҳам жамоа зиммасидаги вазифа ниҳоятда залворли ва айни чоғда масъулиятли бўлди. Негаки, бир йўла иккита мактабни қайта таъмирлаш билан бирга 540 ўринли маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биносини қуриш ҳам Зариф Раҳмонов саркорлигидаги бинокорлар зиммасига ишониб топширилган эди.

Қурилиш объектлари йирик, шунга яраша, ишнинг кўлами кенг ва унумдор бўлди. Шу боис, Тангимуш маҳалласи ҳудудидаги 51-сонли, Мустақиллик маҳалласидаги 39-сонли мактабда реконструкция қилиш ишлари белгиланган муддатидан икки ой илгари тугатилди. Яқинда эса З.Раҳмонов фаолияти мобайнида унинг иштироки ва раҳбарлигида барпо этилган қурилиш объектларининг юзинчиси — маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Шуниси қувонарлики, ушбу коллеж биноси ўзининг замонавий қиёфаси, ажойиб меъморчилик услуби ва мустаҳкамлиги билан бошқаларидан кескин фарқ қилади. Бино остонасидан ҳатлаган киши кўркам ўқув зали, ойнаванд айвонлар, фан кабинетлари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўқув хоналарию спорт залини кўриб, қалби завққа тўлиши шубҳасиз.

З.Раҳмонов вилоятдаги чекка қишлоқларнинг ободончилигига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Жумладан, мактаб, шифохона ва бошқа жамоат биноларини бунёд этишда ўзининг кўчма жамланмаси қурувчилари билан баҳолиқудрат иштирок этди.

Доимо юксак марраларни кўзлаб яшаган бойсунлик бунёдкор эл-юрт эътиборига тушиб, давлатимиз томонидан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Ўтган йили эса Юртбошимиз Фармони билан Зариф Раҳмоновга юксак мукофот — "Дўстлик" ордени топширилди.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

Обод бўлган қишлоқлар

ҲИММАТЛИНИ ХАЛҚ ҲАМ, ҲАҚ ҲАМ ҚЎЛЛАЙДИ

Зангибойи маҳалласининг табиати ўзгача, гўзал. Одамларининг меҳнатга муносабатию бир-бирларига бўлган оқибати ҳам таҳсинга лойиқ. Пастдарғом туманидаги бу сўлим гўшада бир бора бўлган кишининг Зангибойига яна қайтгиси, софдил ва танти одамлари билан суҳбатлашгиси келади. Маҳалладаги қайси бир гўшада бўлманг, озодлик ва ораслиқдан кўнглингиз ёришади. Мактаб, боғча, савдо дўконию сартарошхона атрофи гулзор қилинган. Одамларнинг гурунгини тингласангиз, саховатли тадбиркорларнинг хайрли ишларидан бохабар бўласиз.

— Маҳалламизда эл корига яраётган тадбиркорлар, фермерлар кўплигидан фахрланамиз, — дейди маҳалла оқсоқоли Исмоил Сафаров. — Албатта, уларни бирон хайрли тадбир йўлида бирлаштиришда маҳалла йиғини ходимлари, фаолларидан ташаббус лозим. Маҳалламиз аҳли билан тез-тез йиғилиб, самимий суҳбат қурамиз, одамларнинг таклифларини ўрганамиз. Мақсадимиз сўлим қишлоқларимизни янада ободонлаштириш, фаровонликни ошириш, Ижтимоий ҳимоя йили, қолаверса, умуминсоний қадриятлар мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган ва кўп болали оилалар, кўнгли ўксик, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Очил Мирқандов, Неъмат Суюнов, Гулнора Сафарова, Муҳаммади Усмонов, Ғулом Элмуродов, Акмал Мирқандов, Акмал Отамуродов, Худоёр Нормўминов, Холиқул Сафаров, Тошмурод Абдиев, Омон Хидиров, София Насимова каби саховатпеша маҳалладошларимиз ҳар бир тадбиримизда оғиримизни енгил қилмоқда. Уларнинг кўмаги билан гузаримизни ободонлаштирдик, қабристонни тартибга келдирдик. Яқинда эса 30 та кам таъминланган оилага моддий кўмак кўрсатилди. 20 нафар нуроний онахон, фаол аёлларга совға улашдик. Гап совғада эмас, муҳими, одамларнинг кўнглини олиш, ғамхўрлик кўрсатишдир.

Яна бир гап. Маҳалламиз идораси биноси анча эскирган, боз устига, тор-пастқамгина жой эди. Ҳашар қилиб, ҳомийларни жалб этиб, бинони кенгайтирдик, таъмирладик. Ҳатто мебель жиҳозларини ҳам янгилаб олдик. Бу ташаббус маҳалламизнинг кайвониларидан чиқди, ўзлари ҳамма ишга бош-қош бўлишди.

Яқинда тадбиркор Очил Мирқандов маҳалла аҳли учун тўй-тантаналар ўтказиладиган маскан қурилишини бошлади. Бундан ташқари, қабристонга ҳамда мактабга элтувчи йўллар қайта таъмирланиб, асфальт ётқизилмоқда. Жорий йилнинг охиригача кам таъминланган 3 та оилага соғин сигир беришни режалаштирганмиз.

Рустам ХАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

"... Товардаги нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида талаб қўйилган тақдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлайди..."

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасидан.

Маҳаллада нима гап?

ЭҲТИЁЖМАНДЛАР ЭЪТИБОРДА

Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳридаги Муқимий номли маҳалла шаҳардаги илғор ва намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади.

— Жорий Ижтимоий ҳимоя йилида маҳалламиздаги 6 та кам таъминланган ва меҳр-мурувватга муҳтож оилани ҳомийларга бириктириб қўйдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўра Аҳмадқулов. — Бундан ташқари, йиғинда ишсизлар сонини камайтириш ва касаначиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор беряпмиз. Шу боис, 2 та эҳтиёжманд оилада мебель таъмирлаш устахонаси очилди. Йиғин ҳудудида бўш турган бино қайта таъмирланиб, бу ерда сартарошхона фаолияти йўлга қўйилди. Айни кунларда беш нафар ишсиз аёл маҳалламиздаги хонадонлардан бирида бичиш-тикиш сирларини ўрганмоқда. Ҳомийлар кўмагида 5 та кам таъминланган оилага қорамол олиб берилди.

Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, жиноятчилик, диний ақидапарастлик ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш каби тарғибот-ташвиқот ишларида маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Вазира Ҳакимованинг ҳиссаси катта. Маслаҳатчининг ташаббуси билан йиғин идораси биносидан жой олган маънавият-маърифат хонаси замонавий кўринишда жиҳозланиб, фойдали адабиётлар ва турли услубий қўлланмалар билан бойитилди. Маҳалланинг жиноятчиликка қарши кураш комиссияси раиси Ғаффор Халилов эса ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида жонбозлик кўрсатмоқда.

— Туман миқёсидаги барча тадбирларда фаол иштирок этиб келяпмиз, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда «Энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловининг туман босқичи ғолиби бўлдик. Бундай ютуқларга эришишда шубҳасиз маҳалламиз фаолларининг хизмати беқиёс.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Тошкент вилояти

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳридаги Қарлуқбоғот маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият юритаётган Музаям Йўлдошева маҳалла хотин-қизларининг нафақат диний, балки ижтимоий ва сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлишлари учун доимий тарзда турли мавзудаги маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда ташкилотчилик қилади.

— Кўпнинг бошини қовуштираман деган киши, аввало, ўзи ҳар жиҳатдан ўрнак бўла олиши лозим. Мен ҳам шунга интиламан, — дейди Музаям опа. — Маҳалламиз хотин-қизлари ҳар бир ишда фаол, ташаббускор. Маслаҳатчининг фаолияти кўпқиррали бўлгани учун бу ишга каттаю кичикни жалб этиш имкони бор. Хуллас, тарбиявий аҳамиятга молик тадбирларимиздан ҳеч ким четда қолмайди.

СУРАТДА: *М.Йўлдошева турмуш ўртоғи Эшим ака Зоиров билан.*

Р.НУРИНБОЕВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти

ЗИНГИРОНЛИК КАСАНАЧИЛАР

ўз хонадонларида фаолият юритиб, даромад топмоқдалар

Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асарида "Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин буюкроқ қўрғон йўқдир", деб ёзади ва бу шаҳарлар гузарлари, аҳолисининг урф-одатлари ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Дарҳақиқат, қадимий Кеш Зарғарлик, Чармгарлик, Темирчилик, Бакқоллик, Қушхона каби ўнлаб маҳаллалардан ташкил топган. Шаҳрисабз туманидаги 2-сонли Зингирон маҳалласи ҳам ана шундай қадимий маҳаллалардан биридир.

— Маҳалламизда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Ҳомийлар кенгаши"ни ташкил этганмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юсуф Муслимов. — Унга бобрў, саховатпеша ва тадбиркор кишилар жалб этилган. Маҳалламизда истиқомат қиладиган 5 нафар уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, 89 нафар ногирон ва 107 та кам таъминланган оила кенгаш аъзоларининг диққат-эътиборида.

Маҳаллада саховатпеша, хайрли ишлар учун бел боғлаган инсонлар талайгина. Жамила Султонова, Зайниддин Казаковларнинг саъй-ҳаракатлари ва маблағлари ҳисобидан 1,2 км узунликдаги йўл асфальтланган бўлса, И. Раҳматов ва А.Бариева кам таъминланган оилалардан беминнат ёрдамларини аямяпти.

Бундан ташқари, ёрдамга муҳтож 201 та оилага электр-энергияси, 49 та оилага табиий газдан фойдаланганлик учун тўловларни тўлашга кўмаклашилди.

Ёш оилаларга мустақил меҳнат фаолиятини бошлаш, барқарор даромад манбаларини яратиш ҳамда уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш учун имтиёзли кредит олиш масалаларида ҳам маҳалланинг ёрдами катта бўлмоқда.

Зингиронда аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга молик. Яқинда 3-сонли шифохона мутахассислари билан ҳамкорликда маҳалла хотин-қизлари тиббий кўрикдан ўтказилди. Текширув натижаларига кўра, 67 нафар хотин-қизда турли касалликлар мавжудлиги аниқланди ва даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Шаҳрисабз азал-азалдан ҳунармандлар шаҳри бўлган. Шу сабабдан, Зингиронда касаначиликни йўлга қўйиш унчалик қийин кечмади. Айни пайтда маҳаллада 37 нафар хотин-қиз ана шундай фаолият тури билан банд. Улар уйрўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда ўз хонадонларида ишлаб даромад топиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Курбонали АЗИЗОВ

Олам турфа

116 ЁШЛИ АПЕЛЬСИН

У шунча вақт давомида британиялик шахтёрнинг оиласида сақланган

Стаффордшир графлигининг Стоук-он-Трент шаҳридаги Potteries музейида 116 ёшли апельсин намойиш этилмоқда. BBC newsнинг хабар беришича, ушбу мева кўмир конида ишлаган Джозеф Робертснинг нонуштаси солинган қутидан топилган. 1891 йилнинг 19 февралида конда портлаш содир бўлиб, оқибатда 37 ёшли Робертс оғир жароҳатланади ва шифохонада вафот этади.

Шахтёрнинг вафотидан сўнг қутидаги нонуштани унинг оиласига беришади. Бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида Робертснинг авлодлари қуриган апельсинни сақлаб келишган. Унинг чеваси Пэм Беттани эндиликда бобосидан қолган бу мевани музейга топширишга қарор қилган.

116 йил давомида апельсин қорайиб, бутунлай қуриб қолган. Агарда уни силкитиб кўрсангиз, ичидаги уруғларининг тақиллаган овозини эшитишингиз мумкин.

МЕТЕОРИТ САВДОСИ

Яқинда Нью-Йорк шаҳрида илк маротаба метеоритлар савдоси бўлиб ўтди. Сибирдан топилган темир метеорит 123 минг долларга сотилиб, кимошди савдосидаги энг қиммат экспонат сифатида қайд этилди. Кимошди савдосига қўйилган экспонатлар орасидан Джорджия штатидан келтирилган почта қутиси ҳам жой олган. Аҳамиятли томони шундаки, 1984 йилда бу қутининг ичига метеорит тушган. Мазкур қути исми ошкор этилмаган харидор томонидан 83 минг АҚШ долларига сотиб олинган.

1984 йилда Венесуэлада бир сигирнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлган "қотил метеорит" эса 1,3 минг долларга сотилди.

Лекин шу куни сотилиши мўлжалланган энг қиммат ва камёб метеоритлар ўз харидорларини топмади. Кимошди савдосининг асосий экспонати ҳисобланган "Вилламетт" метеорити ҳам сотилмай қолган экспонатлар қаторидан жой олди. АҚШ ҳудудидан топилган мазкур метеорит 1,1 миллион долларга баҳоланган эди, аммо уни бу нархга сотиб оладиган харидор топилмади. Кимошди савдоси қутилганидек муваффақиятли ўтмаган бўлса-да, ташкилотчилар бундай савдоларни мунтазам равишда ўтказишни режалаштирмоқдалар.

Эй сиз одамлар, эссиз одамлар...

Инсонийликка ИСНОД

ёхуд акага узилган ўқ

...Онаизор фарзандининг ялиниб-ёлворишига бу сафар ҳам ишониб, у сўраган пулни берди. Бироқ, "Ароқ деган касофатни қайтиб оғзимга олмайман", деб қасам ичган Ҳайдар яна нафсини тия олмади. Бу ҳам етмагандай кечқурун қўйнидан "яримта"ни чиқариб, ота-онасининг олдига қўйди.

— Бу қанақаси бўлди?! — деди жаҳли чиққан ота. — Ахир шунинг дастидан бир эмас, икки марта қамалиб чиқдинг. Бизни ўйламасанг ҳам оилангни, фарзандингни ўйламайсанми, нодон!

Ота ароқни олиб қўймоқчи бўлганда ўғил унинг қўлини қайириб, шишани тортиб олди ва чаққонлик билан қопқоғини очди. У ютоққанча ароқдан симиргач, кўзларини лўқ қилиб, ота-онасига юзланди:

— Буни атайлаб олиб келдим. Турмадан соғ-саломат чиқиб келганимни биргаликда ювамиз. "Дўстинг учун заҳар ич", деганлар. Ахир сизлар энг яқин дўстларимсиз ё бу нотўғрими? Агар мени яхши кўрсангиз, бирга ичамиз. Қани олинглар, олинглар дейман!

Фарзанд ёши бир жойга бориб қолган ота-онасини шайтон сувидан ичишга мажбурлаб турса-я! Ота-она учун бундан ортиқ кўргилик бормикан? Ишдан қайтган Комилжон ана шундай даҳшатли ҳолат устидан чиқди. Ҳайдарнинг қўлидан шишани олиб, четга улоқтирди ва укасини тартибга чақирмоқчи бўлди. Бироқ, қутилмаган зарбадан кўз олди қоронғулашиб кетди. Укасининг қўлларини орқасига қайириб, ота-онасидан кечирим сўрашни талаб қилди.

— Сўрамайман! Мен ҳеч қачон ҳам виждони бош кўтармади, қўллари қалтирамади... Ўқ овозидан безовталанган вафодор ит деразадан отилиб кириб, қотилга ташланди. Аммо навбатдаги ўқ уни ҳам ер тишлатди. "Қочиш керак! — деб ўйлади қотил ука. — Вақт борида яшириниш керак!". У ҳовлида кўтарилган қиёматга ҳам қарамай, кўчага отилиб чиқди. Кўчада биронта ҳам машина кўринмасди. Ниҳоят узоқда автобус кўзга ташланди. Ҳайдар милтиқ-мол-мулкини ўзлаштира бошлади. Ҳатто кунларнинг бирида энг яқин дўстининг бўғзига пичоқ тираб, "Учта гиламингни берсанг бердинг, бўлмаса ҳаммангни ўлдириб, уйингнинг кулини кўкка совураман!" деб кўрқитди. Босқинчилик йўли билан қўлга киритган гиламлардан биттасини бошқа бир дўстининг тўйига тўёна деб кўтариб борганда, ҳамқишлоқлари уни "Яхшилар сафига қўшилгани рост бўлсин", дея тўрга таклиф қилишди.

Тўйда бўккунча ичиб, эски аламлари ёдига тушган Ҳайдар яна бир мудҳиш жиноятга қўл урди...

У ярим тунда уйига қайтар экан, йўл-йўлакай ёвуз ниятини амалга ошириш учун режа тузди: "Қасд олмаган йигит мард эмас. Акамнинг дастидан шунча йил турмада ўтирдим, азоб чекдим. Энди у йўқ, аммо отаси учун фарзандлари жавоб бериши керак!" Ҳайдар акасининг ҳовлисига боғ деворидан ошиб тушди. Қоронғуликда ўғри мушукдай бироз аланглаб атрофни кузатгач, ҳовлида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилди ва яқинда бировга унаштириб қўйилган жияни ётган хонага бостириб кирди. Тубан кимсанинг тошга айланиб кетган юрагини бечора қизнинг ялиниб-ёлворишлари, кўз ёшлари ҳам юмшата олмади. Унинг қилмишидан кўкдаги ой ҳам орланиб, булутлар орасига сингиб кетди...

Нафсининг қулига айланган, инсонийликдан тубан кетган Ҳайдар қилмишига яраша жазосини олди. Аммо эл-юрт, яқинларнинг қарғиши ва машъум ҳодиса тавқилаънати ҳар қандай жазодан ҳам оғиррокдир.

Абдулла САФОЕВ

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

МОЛ-МУЛК ҚАЙ ТАРТИБДА ТАҚСИМЛАНАДИ?

Савдо-сотиқ ишлари бўйича шерикчилик тўғрисидаги ўзаро шартнома бекор қилинганда ўртага тикилган мол-мулк, шунингдек, фойдаланишга берилган ашёлар қай тартибда тақсимланади?

Жавоб:

ШЕРИКЛИК ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНСА...

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 971-моддасида қайд этилишича, оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда шерикларнинг умумий эгалигига ва (ёки) фойдаланишига бериб қўйилган ашёлар, тарафларнинг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларни бериб қўйган шерикларга ҳақ тўламасдан қайтарилади.

Оддий ширкат шартномаси бекор бўлган пайтдан бошлаб унинг иштирокчилари учинчи шахсларга нисбатан бажарилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар жавобгар бўладилар...

Умумий улушли мулкка хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни қўшган шерик оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда, қолган шериклар ва кредиторларнинг манфаатларига риоя этилиши шарти билан, бу ашёни ўзига қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Шунингдек, мазкур кодекснинг 974-моддасига мувофиқ, иштирокчилардан биронтаси оддий ширкат шартномасида бундан буён иштирок этишдан воз кечиш тўғрисида ариза бериши ёхуд шериклардан бирининг талаби билан шартнома бекор қилиниши натижасида оддий ширкат шартномаси бекор қилинмаган тақдирда, шартномада иштирок этиши тўхтаган шахс учинчи шахслар олдида ўзи шартномада иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича у оддий ширкат шартномасининг иштирокчиси бўлиб қолавергандаги каби жавобгар бўлади.

Саньат ихлосмандларига тухфа

Тошкентдаги Анъанавий саньат марказида Ўзбекистон халқ рассоми, академик Рўзи Чориевнинг "Ўзбекистон замини ва одамлари" номли кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазмадан рассомнинг турли йилларда графика ва мойбўёкда ишланган олтмишта асари ўрин олган бўлиб, асарларнинг аксарияти илк бор намойиш этилмоқда. Кўргазма Рўзи Чориев ижодида инсон ва табиат мавзусининг янги қирраларини очишга ёрдам беради.



Пойтахтдаги Фотолар уйида эса рассом Давид Микульницкий асарлари кўргазмаси очилди. Бу кўргазманинг ўзига хос жиҳати шундаки, у Давид Микульницкийнинг илк кўргазмаси бўлиб, марҳум рассомнинг хотирасини ёд этиш мақсадида ташкил этилди. Рассом иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси эди. У ногиронлигига қарамай, қизғин ижод билан машғул бўлган. У билан ҳамсуҳбат бўлганлар рассомнинг Ўзбекистон табиатига мафтун бўлиб, ундан илҳомланганини таъкидлайдилар. Рассомнинг ҳис-туйғулари унинг асарларида яққол акс этади. Кўргазма тасвирий саньат ихлосмандлари, ёш рассомларда катта қизиқиш уйғотди.

Одамийликдан сабоқ

БОБОМ БЕРГАН САБОҚ

Ватанга муҳаббатимизни янада юксалтирмоқда

Машина довон йўлидан Олмос томон бурилар экан юрагим қаттиқроқ ура бошлайди, бўғзимга бир нарса қадалгандек бўлади. Таниш дарвозаларга, ондасонда учраган қадрдон ҳамқишлоқларимга соғинч билан боқаман. Бир томонда турмуш ташвишлари билан бўлиб, бошқа томондан бироз йўл олислиги сабаб туғилиб-ўсган қишлоғимга келмаганимга ҳам анча вақт бўлибди.

Негадир ҳар гал бобом билан кўришаётиб кўзларимга беихтиёр ёш келади. Бобом қалтираган қўллари билан елкамга қоқар экан, овози титраб чиқади. Биламан, у ҳам йиғлаяпти. Бобом ҳамма неваралари билан ҳам шундай кўришади...

Бобом 12 ёшидан бошлаб далада тер тўккан. Отаси урушда ҳалок бўлгач, укаларини боқиш, уйли-жойли қилиш у кишининг зиммасига тушган. Аввал тракторчи, кейин узоқ йиллар бригадир бўлиб ишлаганлар. Баъзан бувим: "Бобонг рўзғорда нима бор-йўқлигини билмайди, аммо бригададаги 200 гектардан ортиқ ернинг қайси жойи қандай экани, қаердан ўқариқ тортиш керагу, қаерни неча соат суғориш зарурлигини уйқусидан уйғотиб сўрасанг ҳам адашмай айтиб беради", дердилар.

Бутун умри меҳнатда ўтган киши уйда ўтиролмас экан. Бобом пенсияга чиққач, оёқ узатиб ётиш менга тўғри келмайди, деб ишга киришиб кетди. Бригада далаларининг бир чети паст-баланд қир-адирларга туташиб кетган бўлиб, у ерларга сув чиқмасди. Бобом ер остидан сув чиқартирди, тўрт томони қирлар билан ўралган текисликда каттакон боғ барпо этди. Ҳашар уюштириб, ўрик, шафтоли, олма, ёнғоқ, жийда, бодом кўчатларини ўтқаздик. Дам олиш кунлари ҳаммамиз боққа борардик. Бобом бизга кўчат экиш, уни қандай парвариш қилиш кераклиги, деҳқончилик сирасрорларини эринмай тушунтирардилар. Чарчаб, дам олаётганимизда эса бошидан кечирган қизиқ-қизиқ воқеаларни, ривоят ва эртаклар айтиб берардилар. Энди биласам, ўша ибратомуз воқеалар, эртак ва ривоятлар орқали бизга одамийликдан сабоқ берган эканлар.

Пешинда қир устига қурилган чайлада қумғонда чой қайнатиб, бувим тугиб берган нарсаларни ўртага қўйиб тушлик қилардик. Ўша суви қочган нон, туршак ва чақмоққаднинг мазасини ҳали-ҳануз эслаб юрамиз. Тасаввур қилинг-а... Дастурхон атрофида ўндан зиёд набиралар қуршовида ўтирган нуроний... Менимча, бобом бир дастурхон атрофига ўтқизиш баробарида қалбимизга меҳр-оқибат уруғини экган эдилар.

Биз ўтирган жойдан ям-яшил қишлоғимиз кафтдек кўриниб турарди. Юқоридан туриб уйимизни, мактабимизни қидирардик, қишлоқдаги маҳаллаларнинг чегарасини аниқламоқчи бўлардик. Ҳув ана, тепа томонда Оқтом, пастрокда Бозорбоши, унинг ёнида Тоймас, Бирлик, Шувар. Олмоссой қаердан бошланиб, қаерда тугашини ўзимизча чамалардик. Бобом тортишувларга бой суҳбатимизни жилмайганча кузатиб турардилар, кейин маҳаллаларнинг номланиши, тарихи ҳақида сўзлаб берардилар. Қизиқ, ўша тобда бобом қалбимизга она юртга муҳаббат туйғусини жойлаётганини билганмикан?

Орадан йиллар ўтди. Ўйлаб қарасам, болалигимнинг энг ёрқин хотиралари бобом билан боғлиқ экан. Балки шунинг учун уларни кўрганимизда кўз ёшларимизни тутиб туролмасак керак. Балки улар болаликни қўмсаб тўкилган соғинч ёшлари ҳамдир?

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Мулоҳаза учун мавзу

Бугун орамизда уяли телефондан фойдаланадиганлар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Мактаб ўқувчисидан тортиб телефоннинг қизил ёки кўк тугмасини босишнигина биладиган кишилар ҳам ушбу алоқа воситасига эга эканлигини кўриб, бунга амин бўламиз. Хўш, хориждаги ривожланган мамлакатларда уяли алоқа воситаларининг инсон саломатлигига салбий таъсири боис улардан фойдаланишда айрим чекланишлар қўлланилаётган бир пайтда нима учун бизда мобиль алоқа воситаларига бўлган эҳтиёж, яна ҳам тўғрироғи, қизиқиш ошиб бормоқда?

"СОТКА"нинг соҳиби ким, малайи-чи?

Назаримда, бугун қўл телефони фойдаланувчиларининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар учун мобиль телефонлар алоқа воситаси сифатида унчалик аҳамиятга эга эмас. Уларни қизиқтирадигани кўпроқ қўл телефонининг аудиомагнитофон, видеокамера, фотоаппарат, ҳатто компьютер вазифаларини ҳам бажариш хусусиятига эга эканлигидир. Демак, мобиль телефон улар учун овунчоқ. Қачон қараманг, телефонда ўйин ўйнаётган ёки қўшиқ эшитиб вақт ўтказётган ёшлар фикримизга мисол.

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Кейинги пайтда мактаб ўқувчилари орасида ҳам уяли телефондан фойдаланиш кенг урф бўлаётганлиги айниқса таажжубланарлидир. Укам мактаб ўқувчиси. Кундакунора синфдошларининг қандай мобиль телефон ишлатиши, кимда қандай қулайликларга эга телефон бору, кимнинг "сотка"си қанча туриши ҳақида мароқ билан сўзлайди. Боз устига, ўзининг ҳам, албатта, шундай телефондан фойдаланишга иштиёқи борлигини ҳар гал гап орасида қистириб ўтади. Шу ўринда савол туғилади: хўш, мактаб ўқувчисига телефон нима учун керак? Ўқувчининг қандай муҳим иши борки, уни ҳал қилишда телефондан фойдаланиш зарурати туғилса? Тасаввур қилайлик: ўқувчи дарс пайтида ўқитувчидан бекитиб телефон билан овора бўляпти. Табиийки, бундан унинг ёнида ёки ёнатрофида ўтирган баъзи ўқувчилар диққат-эътибори ҳам чалғийди. Агар синфда бундай бебош болалар сони 4-5 нафар бўлса-чи? У ҳолда дарс давомида ҳам, танаффусда ҳам, уйда ҳам ўқувчиларнинг ўртасидаги мулоқот мавзуси шу ҳақда бўлади. Хулоса эса ўзингизга аён бўлгандир? Аслида, бундай салбий ҳолатларга барҳам беришда биринчи галда ота-оналардан мулоҳазакорлик лозим. Негаки, уяли алоқа компаниялари мижозига айланиш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат — паспорт бўлиши шарт. Мактаб ўқувчиси эса туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан компания мижозига айлана олмайди. Демак, фарзанди тақдирига бефарқ бўлмаган ота-оналар жигарбандига қўл телефони олиб беришдан аввал шулар хусусида ўйлаб кўриши жоиз эмасмикан?

Яна бир ачинарли жиҳати, нафақат мактаб ўқувчилари, ҳатто талабалар ҳам қўл телефонидан камдан-кам ҳолатда ўз ўрнида фойдаланмоқдалар.

— Қўшиқ эшитиб дарс тайёрламасам, ўқиганларим ёдимда қолмайди, шунинг учун доим қулоғимда "наушник" бўлади, — дейди бир курсдошим. Ҳайрон бўлдим. Бу нимадан далолат? Балки уяли алоқа воситасининг инсон саломатлигига салбий таъсиридир бу?

Машҳур фантаст ёзувчи Стивен Кингдан нима учун уяли алоқа воситасидан фойдаланмаслигини сўрашганида: "Ҳамма мобиль телефон ишлатувчилар телефонга эгалик қиляпман, деб ўйлашади. Аслида эса бунинг акси, яъни телефон инсонга эгалик қиляпти", деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, эрталаб телефон овози билан уйғониб, кун давомида ундан у ёки бу мақсадда фойдаланса, ҳатто уйқуга ётишдан олдин эртанги кун режаларимизни ҳам унга муҳрлаб ухласак, бу маълум маънода телефоннинг малайига айланаётганимизни англатмасмикан?! Зеро, ҳар ишнинг ўз ўрни бор. Ахир доно халқимиз "Асалнинг ҳамози ширин" деб бежизга айтмаган-ку.

Ботир САНГИРОВ

ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

Тартиб сенинг муқаддас мақсадинг бўлсин. Сен бу мақсад йўлида астойдил хизмат қил. Чунки тартиб ҳамма нарсанинг мажмуидир. Табиатнинг мавжудлиги асосида ҳам тартиб ётади.

ПИФАГОР

Донишмандлик — ҳақиқатни сўзламоқ ва табиатга қулоқ тутиб, унга бўйсунмоқликдан иборатдир.

БУҚРОТ

Учта олам мавжуддир: уларнинг бири зоҳирий, иккинчиси ботиний олам бўлса, ҳар иккисининг орасидан яна бир олам — руҳий олам ўрин олган.

ҒАЗЗОЛИЙ

Табиийлик ва инсон... Агар биз ёғоч курсини ерга кўмиб, унинг ўсиб чиқиши учун йўл тополганимизда ҳам ундан бари бир янги курсилар эмас, балки дарахтлар ўсиб чиқаверади.

АРАСТУ

Табиат билан тотувликда яшамоқлик, эзгулик билан якдил бўлмоқлик демакдир.

ЗЕНОН

Табиатни фақат унинг қонунларига бўйсуниш йўли билангина енгиш мумкин.

Фрэнсис БЭКОН

Диққат, танлов!

«БАХТИМИЗ ҚОМУСИ»

Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси Ўзбекистон аёлларининг жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва уларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш мақсадида фаолиятда, жамоат ишларида, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол тарбиялаш ишларида илғор ва ташаббускор аёллар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар учун матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "БАХТИМИЗ ҚОМУСИ" кўрик-танловини эълон қилади.

Ушбу кўрик-танловга мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаёти ҳақидаги, уларнинг сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий билимларини ошириш борасида амалга оширилаётган амалий тадбирлар, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақидаги, шунингдек, "Конституция аёллар тақдирида" мавзусида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган материаллар тақдим этилиб, улар "Энг яхши мақола", "Энг яхши телекўрсатув", "Энг яхши радиоэшиттириш", "Энг яхши фотосурат" йўналишларида баҳоланади.

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилиб, туман босқичлари 2007 йил 7 ноябрдан 7 декабрга қадар, вилоят босқичлари 2007 йил 7 ноябрдан 2008 йил 20 февралгача, республика босқичи 2007 йил 7 ноябрдан 2008 йил 8 мартгача бўлиб ўтади.

Кўрик-танловнинг туман босқичи ғолиблари 2007 йил 8 декабрь — Конституция байрами арафасида, вилоят ва республика босқичи ғолиблари эса 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинади ва тақдирланади.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

7000129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Тел/факс: **(99871) 139-40-66, 139-40-12, 144-06-15, 144-16-17.**

Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда оилангизда юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олишга ҳаракат қилинг. Бу борада айниқса, босиқлик сизга жуда қўл келади.

СИГИР(22.04-20.05)

Мазкур бурж вакиллари шу кунларда ишингизга масъулиятлироқ ёндашинг. Акс ҳолда раҳбарият билан муносабатда тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Сизни анчадан буён ташвишлантираётган масала айни кунларда ўз ечимини топиши кутилмоқда. Шанба куни узоқ сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Моддий жиҳатдан қийинчиликларга дуч келмаслик учун айни кунларда ортиқча сарф-харажатга йўл қўймасдан, тежамлироқ бўлишга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда фарзандларингиз тарбиясига кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қилинг. Пайшанба куни узоқдаги қариндошларингиз ташриф буюриши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳужжатларни расмийлаштириш борасида шошқалоқлик қилманг. Янги ҳамкорлар билан муносабатда эҳтиёткор бўлсангиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни кунларда шахсий ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Жума куни оилангиз даврасида мириқиб дам олишга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шу кунларда молиявий соҳада омадингизни синаб кўриш учун қулай имконият юзага келиши мумкин. Дам олиш кунлари яқинларингиз ҳолидан хабар олинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ҳаётингиздаги кичик нарсадан ҳам катта муаммо ясашга одатланманг. Акс ҳолда турмушингиз фақат муммолардан иборат бўлиб қолиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда тинимсиз изланишларингиз ўз самарасини бериши мумкин. Бунинг натижасида иқтисодий жиҳатдан аҳволингиз анча яхшиланади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Сўнгги пайтда фаолиятингизда юзага келган вазият асабларингизни анча толиқтирган. Шу боис айни кунларда кўпроқ дам олишга ҳаракат қилинг.

БАЛИК (19.02-20.03)

Айни кунлар ҳамкорларга янги шартномалар тузиш учун жуда қулай келиши кутилмоқда. Жума куни хизмат юзасидан сафарга чиқишингиз мумкин.

Ғаройиботлар олами

Қадимги Миср фиръавни Тутанхамон жасадини унинг Шоҳлар водийсидаги мақбарасида кўриш мумкин. Фиръавн жасади шаффоф контейнерга жойлаштирилган. Контейнер ичидаги ҳарорат махсус тизим асосида бошқарилади.

АНТИҚА КЎРГАЗМА

унда Тутанхамоннинг мумиёланган жасади илк бор кенг оммага намойиш қилинмоқда

Айтиш жоизки, шу пайтга қадар сайёҳларга фиръавннинг фақат олтин саркофаги ҳамда ниқоби намойиш этиларди. Тутанхамон жасадини эса бир нечта олим кўрган, холос.

Тутанхамон эрамиздан аввалги XIV асрда тахтга ўтирган (ўша пайтда у жуда ёш бўлган) ва чамаси 17-18 ёшида вафот этган (унинг ўлими сабаблари ҳақида аниқ тўхтамга келинмаган).

1922 йилда британиялик археолог Говард Картер фиръавннинг уч минг йил давомида фанга номаълум бўлган даҳмасини топган эди. У ердан топилган буюмлар эса бир коллекцияга жамланиб, дунёнинг кўпгина мамлакатларида намойиш қилинган. Жорий йилнинг ноябрь ойи ўрталарида Лондонда мазкур коллекцияга тегишли бўлган 130 та буюмнинг кўргазмаси бўлиб ўтади.

ТОШ АСРИДАН ТОПИЛМА

Мамонт — филлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Унинг бўйи 2,5-3,5 метр, оғирлиги 7 тоннагача, оёқлари калта, жуни узун бўлган. Тишларининг узунлиги 4 метр, оғирлиги 100 кг.га етган. Мамонтлар Тош даврида Европа, Шимолий Осиё ва Жанубий Америка ҳудудларида яшаган ва кейинчалик қирилиб кетган. Уларнинг суяк қолдиқлари ҳамда сақланиб қолган жасадлари Сибир ва Аляскадаги муз қатламларидан топилган.

Айни кунда россиялик ва япониялик олимлар ҳамкорликда Ямал ўлкасидан жорий йилда топилган ноёб топилма — мамонт боласининг музлаб қолган жасадини ўрганишмоқда. Оғирлиги 50 кг. ва бўйи 90 см. бўлган ушбу топилмага олимлар Люба деб ном беришди. Текширувлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, мамонтчанинг жасади 37 минг йил мобайнида муз остида қолган.

Яқин кунларда жасад мукаммал таҳлил қилиниши учун Санкт-Петербургга, кейин эса Токиога жўнатилади. Балки ана шу тадқиқотлар натижасида олимлар мамонтларнинг қирилиб кетиш сабаблари ҳақида аниқ илмий хулосага келишар. Баъзи мутахассислар эса бу топилма мамонтларни клонлаштиришга имкон яратади, дея умид билдиришмоқда.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Ҳамза туманида жойлашган "Ўзбекистон шампани" ОАЖга 2007 йилда берилган 10040401030037 рақамли ер кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор ҳисоблансин.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан "Мардонбек" салқин ичимликлар ва музқаймоқ шахобчасига берилган, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани ҳокимининг 06.03.2002 йилдаги 249-сонли қарорига асосан тегишли бўлган 8-141/09 рақамли кадастр ҳужжати (сони 141) йўқолганлиги сабали бекор ҳисоблансин.

Утерянные кадастровые документы за № 2485877683 на МСЧ "Узбексельмаш" считать недействительным.

Закрытое Акционерное Общество "DASTGOH-SOZLASH" реорганизуется в Общество с ограниченной ответственностью "DASTGOH-SOZLASH". Претензии принимаются по адресу: Чиланзарский р-н ул. Катортал-173 "А" в течении 5 дней со дня публикации объявления.

В связи с изменением число акционеров ОАО "Шифобахш Булок" проводит внеочередное собрание акционеров 6 декабря 2007 года по адресу: г.Ташкент ул.Х.Асамова-1. Время 11-00.

Телефон для справок: 134-88-94, 307-14-14.

Согласно определения хозяйственного суда г. Ташкента за номером 10-0719/12933 от 31 октября 2007 года по отношению ОАО ШФ "ДЕЗА" инициирована процедура банкротства — наблюдения. Временным управляющим в период наблюдения назначен Хасанов Шухрат Нигматович. Срок процедуры наблюдения установлен до 10-00 часов 30.11.2007 г. В связи с выше изложенным 12 ноября 2007 г. в 12.00 часов состоится собрание кредиторов ОАО ШФ "ДЕЗА" по адресу: г.Ташкент ул. Навои, Торговые ряды.

Повестка дня: О введении по отношению к ОАО ШФ "ДЕЗА" процедуры наблюдения.

Просим руководителей кредиторов обеспечить явку уполномоченного представителя с доверенностью, а также предоставить подтверждающие документы об образовавшейся задолжности.

Временный управляющий ОАО ШФ "ДЕЗА" Хасанов Шухрат Нигматович.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда КОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 7 ноябрь
45 (595)

10792 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1020 Топширилди — 23.00
2 3 4 5 6